



Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2003 yil, 6 iyun, 23 (560)-son

Sotuvda narxi erkin



«Андижон почтаси» АЖнинг Шахрихон шахобчаси.

БОЛАЛИКЖУМЪАТ ШОДОЪЕ ЛАХЗАЛАРИ

Кичкинтойлар иштирокидаги мўъжаз тадбирлар ҳамisha файзли ва қувноқ ўтади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni муносабати билан "Бухоро Телеком" филиали касаба уюшмаси бирлашган кўмитаси томонидан ўтказилган байрам давомида ҳам айнан шу жиҳат яна бир бор намоён бўлди. Турли-туман ширинлик ва нознеъматлар билан безатилган дастурхон атрофига корхона ишчи-хизматчиларининг 50 дан

ортиқ фарзандлари жамул-жам бўлдилар.

Байрам давомида ўтказилган ўзига хос танловда 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болакайлар иштирок этишди. Ҳакамлар ҳайъати ўғил-қизларнинг асфалт ва қоғозда расм чизиш ва бошқа бир қатор қизиқарли ўйинлардаги иштирокини муносиб баҳолаб борди. Байрам тадбирининг энг фаол иштирокчиси 11 ёшли Соҳиба Солиқова фахрли биринчи ўринга лойиқ топилди. 7

ёшли Аселя Серсенбаева ва 4 ёшли Матлаб Сулаймоновлар ҳам болалар кўриктанловининг энг яхши қатнашчилари сифатида корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитасининг тегишли диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Байрам тадбирининг барча ёш иштирокчиларига совгалар улашилди.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

ҲАЙЪАТДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

Йиғилишда "Даврий матбуот нашрларини тарқатиш бозоридagi рақобат масалалари тўғрисида" "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори Р.Қосимов маърузаси тингланди. Маърузачи бу борада олиб борилган ишлар, тўпланиб қолган муаммолар хусусида батафсил маълумот берди.

Даврий матбуот нашрларини тарқатиш бозорида ҳозирги кунда 35га яқин юридик ва 1000га яқин жисмоний шахслар фаолият кўрсатмоқда. Айнан улар Агентлик тизимдаги матбуот нашрларини тарқатидиган икки компания билан ўзаро рақобатлашмоқда. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида "Матбуот" бозори ўз фаолиятини амалга ошириб келяпти. Мазкур бозорда Тошкент шаҳрида жойлашган "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, ўнга яқин тахририят (нашриёт) ва виллоятларда жойлашган тахририятлар ўз махсулоғларини сотмоқда. Сотувчи-тахририятлар сони кундан кунга кўпайиб, уларнинг ҳаммасини ҳам қонунга тўла риоя қилишти деб бўлмади.

Компания билан асосан Тошкент шаҳри, виллоят маркази ва туман ҳудудида йирик ҳисобланган "BTL-TEZKOR", "EXPRESS-TEZKOR", "VEK-INFORM" (Самарқанд), "МАСТЕР-ПРЕСС", "КАЛЕОН", "АЗ-АЖО-ЗАКОВАТ" (Навий), "АЛЕКСАНДР МАРКЕТ", "АРДИ", "АРЗИ", "ДАВРИЙ НАШРЛАР" каби фирмалар рақобат қилмоқда.

Вақтли нашрларни тарқатиш билан шуғулланувчи айрим юридик ва жисмоний шахслар (хусусий тадбиркорлар) кўпроқ даромад олиш мақсадида хоризқ нашрларини республикамиз ҳудудига авиа, темирўй ва автомобиль транспортни орқали олиб келдилар ва аҳолига ("раскладушка" ва лотоклар орқали) сотадилар. Қўпинча улар томонидан бизнинг миллий маданиятимиз, урф-одат ва маънавиятимизга зид келувчи нашрлар ёшлар орасида ошқоча тарқатилди. Хусусий тадбиркорларга савдо қилиш ҳуқуқини берувчи "ГУВОҲНОМА" берилишида ҳам муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимда вақтли нашрларни обуна ва чакана савдо орқали тарқатиш ишини икки компания ("Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ДАК) амалга оширди. Вақтли нашрлар чакана савдо дўконлари, почта бўлимлари ва

ўнинг хизматчилари томонидан ҳамда обуна уюштириш йўли билан тарқатилмоқда. Мазкур компаниялар ҳозирги кунда ўзининг кенг тармоғига эга бўлиб, йирик тарқатувчилар ҳисобланади. Улар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 13 сентябрдаги 418-сонли қарорини бажариш мақсадида ўзаро ҳамкорлик битими тuzилган.

Компаниялар таркибидаги корхоналарнинг ўзаро адолатли рақобати кучайган ва бу орқали улар томонидан кўрсатилмаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. Ушбу икки компания томонидан матбуот нашрларини тарқатиш бозорида бошқа барча тарқатувчилар билан рақобатни янада кучайтиришда бир камчилик мавжуд ва уни тез муддатда бартараф этиш лозим.

"Матбуот тарқатувчи" АК таркибидаги корхоналар ўз хизматлари ҳақини 10-20 фоз миқдорда белгилайди. "Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибидаги корхоналар эса ҳар бир нусхага белгиланган ва тасдиқланган тариф асосида фаолиятни амалга ошириб келмоқда. Ушбу тариф миқдори барча корхоналарда ҳар хил. "Матбуот тарқатувчи" АК ушбу масалани ечиш мақсадида Агентлик билан Почта корхоналари тарифларининг (вақтли нашрларни тарқатиш билан боғлиқ) фоз ҳисобиде белгилашни хусусида иш олиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган даврда компаниялар ўзининг нарх (баҳо) белгилаш сиёсатини бозор талабига яқинлаштириши ва тез ўзгарувчан қилиб белгилаши, маркетинг, мониторинг ишини яхшилаши лозимдир.

Матбуот нашрларини тарқатиш жараёнида рақобат кучайиши сабабли икки компания орқали обуна йўли билан тарқатилаётган нашрлар сони камаймоқда. Тахлиллар шунинг кўрсатадики, 2002 йил, январ ойида тарқатилган газета ва журналлар сони 1207,8 миң нусхани ташкил қилган бўлса 2003 йил, январ ойида бу кўрсаткич 1062,5 миң нусхани (камайиш 13 фоздан иборат) ташкил қилган. Чакана савдо орқали тарқатилган нашрлар сони 2002-2003 йил, январ ойида бир хил миқдорда.

Матбуот нашрларини тарқатиш жараёнининг рақобатда чидамли тизимини яратишда маркетинг ва мониторинг ишларини олиб бориш билан биргаликда нарх-наво белгилаш сиёсати ҳозирги кун талабларида йўлга қўйилмас экан компаниялар рақобатда юзқачини мумкин. Адолатли рақобатни ривожлантиришда эса юқори органларнинг ёрдами зарур.

Ҳайъатда қўрилган мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз


АЛЛО, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ ЭШИТАДИ!

BEVOSITA MULOQOT

Маълумки, мамлакатимиз алоқа корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлаш асосан республикамизда ягона бўлган Тошкент ахборот технологиялари университети зиммасидадир. Алоқа тизимининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани боис соҳага шу куннинг энг мукамал технологиялари билан ҳам бемалол тиллаша оладиган мутахассислар сув ва ҳаводек зарурлигини ҳисобга олсак, университет олдида нақадар масъулиятли вазифа турганлиги аён бўлади.

Хўш, университет раҳбарияти ҳамда педагогик жамоаси ушбу масъулиятни нечоғли ҳис қилляптилар? Талабаларга замонавий тарзда билим бериш қай аҳволда? Университет билан алоқа корхоналари ўртасидаги муносабатлар қандай? Олийгоҳни

битириб, ишга келган кадрлар корхоналар раҳбариятини



қаноатлантиряптими? Университетдаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?

Хуллас, шу каби саволларга ва Сизни қизиқтираётган бошқа муаммоларга жорий йил, 3 июл куни соат 10.00 дан 13.00 гача Тошкент ахборот технологиялари университети ректори **Содиқжон Собирович ҚОСИМОВ** 138-64-01 телефони орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Уйлаймики, мазкур "Bevosita muloqot" имиз Университет талабалари, абитуриентлари ва уларнинг ота-оналарини бефарқ қолдирмайди.

Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй, Тошкент ахборот технологиялари университети ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Xabar" тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

144-29-09, 136-36-42 (факс), 35-10-40 (факс).

Электрон почта манзили: Habar@aci.uz, TUIT@uzpак.uz

"Bevosita muloqot" да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

"Xabar" газетасига 2003 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи

Якка тартибдаги обуначилар учун - 227.
Ташкилотлар учун - 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кuni хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

ЭЛ КОРИГА ЯРАЁТГАНЛАР

Гузур тумани алоқачиларидан барча мамнун. Боиси алоқа бўлимидан олинган нафақа, пенсия пуллари ва матбуот нашрлари ўз вақтида эгаларига етказиб берилаётган. Бундан ташқари Чернобилчи, байналмилал жангчилар ҳамда ногиронлар пенсияси уларига элтиб берилаётгани уларни хурсанд қилляпти. Хуллас, жамоадаги меҳр-оқибат, одамийлик кўнгли ярим кишилар қалбига зиё бўлиб таралмоқда.

“Қашқадарё почтаси” акциядорлик жамияти Гузур тумани филиали директори Қўшша Исमतов ўзидаги одамийликни жамоадорларидан ҳам талаб қилади. Шу тўғрисида биринчи галдаги вазифага айланган.

Айни пайтда филиалда турли миллат вакиллари билан 80 нафар ходим бир оила фарзандларидек аҳил меҳнат қилишмоқда. Режаларнинг урдулишида эса мақсад муштараклиги қўл келяпти. Туман ҳудуди катта. Алоқачилар 150 километргача бўлган масофада яшаётган аҳолига ҳам намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Филиалда 23 та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, аксарият бўлимлардаги ишлар кўнгилдагилек. Айниқса, Дилором Тангриева бошқариб келаётган Эшонқудук ҳамда Боймурод Жумаев бошқарувидagi Жарарик алоқачилари ишлари ибратга лойиқдир.

Туманда ўтган йили матбуот нашрларига обуна кутулганидан

ҳам зиёда бўлди. Муштарийлар марказий нашрлардан тортиб вилоят ҳамда туман газеталарига эзилди. Айни дамларда чорак ва ярим йиллик обуна давом этмоқда. Аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиниши яхши самара бермоқда.

Жамоада меҳнат шартномаси шартларини яхши бажарган интизомли, ўз касбининг жонқурлари чорак якунлари ва байрамларда рағбатлантирилиб борилаётгани, йил якунида эса ишчи-хизматчиларга дивиденд пули берилаётгани меҳнатга бўлган муносабатини янада янги поғонага кўтармоқда.

Филиалимизда малакали, хизмати билан одамлар олқинини олаётган хабарчилар талайгина, — дейди корхона директори Қўшша Исमतов. — Райхон Алиева, Бахтиёр Отабоев, Рўзимурод Йўлдошев, Бахтиёр Абдуғаниев каби фидойи ходимларимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Корхонамиз ихтиёрида иккита “Дамас” русумидаги машина бор. Узоқ қашлоқларга ҳамда чорвадорларга ўз вақтида алоқа хизмати кўрсатишда бу машиналар жула қўл келмоқда. Ривожланган мамлакатларда бўлганидек, бизнинг соҳага ҳам компютер кириб келди. Узим эса «Истиқлолнинг 10 йилгига» медали билан мукофотландим. Буларнинг барчаси янада астойдил ишлашга, элга хизмат қилишга даъват этади.

**Б.МУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти**

ДИҚҚАТ, ЭВЛОН!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тақомиллаштириш мақсадида 2003 йилда барча йўналишлар бўйича 52 та норматив ҳужжатлар тайёрлаш режалаштирилган.

Тайёрланаётган норматив ҳужжатлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги субъектларнинг фаолият юритишига бевосита тааллуқли бўлишини эътиборга олиб, Давлат алоқа инспекцияси ушбу норматив ҳужжатларнинг биринчи таҳрирдаги лойиҳаларини бундан буён доимий равишда ўзининг www.gis.uz веб-сайти саҳифаларида жойлаштириб боради. Билими ва малакали раҳбарлар ҳамда мутахассислар соҳада фаолият юритишда зарур бўлган мазкур норматив ҳужжатлар лойиҳаси билан танишиб чиқишга жалб этилади. Ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билан сифатли норматив ҳужжатлар тайёрлашида иштирок этишингиз мумкин.

Маъlumлик: 700000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.

Телефон: 133-04-53, Факс: 133-71-09.

E-mail: normativ@gis.uz

Интернетдаги веб-сайтимиз: www.gis.uz

TABRIKLAYMIZ!

“Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ” ҚК жамоаси “ЎЗИ-Термиз” филиали директори **Собиржон БАДАЛБОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омад тилаб қолади.

“Бухоро Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона директори **Шариф ХУДОЙБЕРДИЕВ**ни туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тинчлик-хотиржамлик ҳамда ишларида муваффақиятлар тилайди.

“ЎЗИ-Термиз” филиали жамоаси корхона директори **Собиржон БАДАЛБОВ**ни 50 ёшга тўлгани муносабати билан чин дилдан кўталайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида зафарлар тилайди.

Абдурахмонова Санобар номига С.Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан жорий йил, 4 февралда берилган 0516357 рақамли ҳисоботга олиш дафтраи ҳамда 44779688 сонли чек дафтарчаси йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида қатор қонулар бўлишига қарамай, жойларда бу қонуларга пажжа орасидан қараш ҳоллари афсуски учраб турибди. Буни фуқаролар томонидан алоқа хизматлари бўйича Давлат алоқа инспекциясига мушайтаган шикоятлар ҳам тасдиқламоқда.

Давлат алоқа инспекциясига жорий йилнинг январ-май ойларида истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатлар ўрналишида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси тизимига кирувчи филиаллар томонидан маҳаллий телефон алоқаси хизматларини кўрсатишда лицензия шартларининг бузилишига йўл қўйилганлиги аён бўлди.

Беш ой давомида телеком-муникациялар соҳасига тааллуқли 159 та мурожаатлар, жумладан 127 та “Тошкент шаҳар телефон тармоғи”, 19 та “Тошкент Телеком” филиали, қолган 13 таси бошқа (“Наманган Телеком” — битта, “Хоразм Телеком” — тўртта, “Самарқанд Телеком” — битта, “ЎЗИ Самарқанд” — иккита, “Қашқадарё Телеком” — учта, “Сурхондарё Телеком” — иккита) филиалларга келиб тушган.

“Тошкент Телеком” филиали алоқа хизматига тушган шикоятларнинг тўққизтаси Олмалик шаҳри бўйича бўлиб, шундан иккитаси жамоа номидан юборилган. Шикоятлар асосан қабил ўғирлиги ва носоғлиги тўғрисида келиб чиққан.

“Тошкент Телеком” филиали бўйича 2002 йил давомида 407 маълум шахслар томонидан 407 мартаба кабел ўриқларини содир этилган. Шундан 223 таси Олмалик телекоммуникациялар боламасига тўғри келади. Носоғликларнинг деярлик барчаси назорат мuddатларидан ўтказиб бартараф этилган. Бу эса 3060380 телефон-соатни ташкил этади.

Одатда ўз муаммолари вақтида ҳал бўлмаган фуқаролар юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Алоқа тизимида ҳам шу ҳол кузатишмоқда. Носоғликлар бўйича мурожаатлари қайди қилиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш йўлга қўйилмаганлиги Президент Девони, давлат бошқарув органи ва Давлат алоқа инспекциясига мурожаатлар тушишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига қўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг қониқарсизлиги тўғрисида жорий йил, 24 мартда Олмалик шаҳар, Низомий ҳамда Ломоносов кўчаларида истиқомат қилувчи фуқаролар — Е.Левчук, А.Питайкина, А.Косарева, Н.Андреевна, С.Титова, Ф.Шагов, Е.Саулькина,

В.Плаунова, П.Никулин ва Л.Васекаевлар томонидан шикоят хати йўланган. Аслида бу фуқаролар истиқомат қилаётган манзил йўналишидаги ТПП-400х русумли тарқатиш кабелларидаги носоғликларни бартараф қилиш учун ноябр

МАСЪУЛИЯТ БЎЛМАГАН ЖОЙДА...

ойидан 29 декабргача таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бундан қўрилиб турибдики, таъмирлаш ишлари бир ой давомида аччиқ ичкайди чўзилса-да, кўнгилдагилек яқунланмаган. Оқибатда эса яна давомли шикоятлар.

Шунингдек, қўрсатилаётган алоқа хизматидан Олмалик шаҳридаги Х.Олимжон, Ш.Рашидов ҳамда Ломоносов кўчаларида истиқомат қилувчи Р.Тухтаров, В.Пилокшина ва Е.Глянцлар ҳам шикоят қилишга мажбур бўлишган. Сабаби фуқаро Е.Глянц томонидан 07.10.02 йилда ТФ-2/2 карточкасига бинован берилган буюртма у истиқомат қилаётган манзил йўналишидаги ТПП-600х русумидаги магистрал кабел ва ТПП-10х2 русумидаги тарқатиш кабелларидаги носоғликлар ўрнатишдан мuddатларга бартараф этилмаганлиги оқибатда жавобсиз қолган. Фуқаро В.Пилокшина томонидан берилган буюртмалар бўйича ҳам носоғликлар бартараф этишга ўрнатишдан мезърий мuddатлардан ўтказиб ҳал қилинган.

Давлат алоқа инспекциясига жорий йилнинг 30 март куни Олмалик шаҳри, “Геология” кўчаси, 11-уйда истиқомат қилувчи фуқаро П.Темиряев 2003 йил, 20 мартдан буён телефони ишламаётгани тўғрисида мурожаат қилган. Текшириш даврида П.Темиряевнинг уй телефони ҳақиқатан ҳам жорий йилнинг 20 мартдан 1 апрелига қалар ишламаганлиги аниқланди. Бунга сабаб 20 март куни абонент манзилидаги ТПП-50х2 маркали мурожат кабелнинг 25 метри

TANQID

номаълум шахслар томонидан ўғирланиб кетилган эди...

Давлат алоқа инспекциясининг “Ишонч телефони”га жорий йилнинг 7 апрелида Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 42-уйнинг 27-хонадонда истиқомат қилувчи Латвиская ўзининг телефонлари узоқ мuddат давомида ишламаётганини тўғрисида мурожаат қилди. Шикоят текшириладиган яна ўша ахвол — кабеллардаги носоғлик.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридagi шикоятларнинг барчаси бир хил мазмунда. Мижознинг телефони ишламай қолган. У вақтида мурожаат қилган. Мурожаатига эса жаноб мутасаддилар ўз мuddатида жавоб беришмаган (ёки жавоб бериши

Уларига эп қўришмаган). ДАИ аралашгандан кейин эса кабел эскирганлиги, яна қандайдир шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани сабаб қабил кўрсатилган. Ҳақли савол туғилиди. Ҳўш, қачонгача жойларда раҳбарлар ҳар хил сабабу баҳоналарга ўралашиб юришади? Наҳотки, олма пиш — оғзимга туш, деб ўтирмадан эскирган кабеллари янгилаш (бунинг учун аилбатта хоҳиш ва ҳаракат керак) ёки ўғирликларнинг олдини олиш чораларини қўриш шунчалки қийин бўлса?! Олмалик шаҳар алоқа корхоналари мутасаддилари ўз мижозлари билан ишлашни қачон ўрганишади?

Хуллас, шикоятбозлик қилиб ҳам асабни, ҳам вақтни маблагини йўқотишга ҳеч кимнинг қўли учиб тургани йўқ. Аммо жойларда фуқаролар буюртмаларини ўз вақтида атрофича таҳлил қилинмаётган ва истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланмаётган, бир сўз билан айтганда олий масъулиятсизлик бор экан, шикоят тоифасидаги мурожаатлар бўлаверди. Бу эса ўз ишига совуққонлик билан қараётган бизни раҳбар ва мутахассислар билан мурожа қилиб ўтирмаликни тақозо этади.

**Г.МАЛИКОВА,
Давлат алоқа инспекцияси
Санкция ва шикоятлар билан
ишлаш бўлимининг 2-тоғфали
мухбириси
У.ЙЎЛДОШЕВ,
журналист**

МАОШИНГИЗ ТЎЛАНИШИ ШАРТ!

Газетамизнинг аввалги сонларида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш мақсадида янги — “**HUQUQIY MASLAHATXONA**” рўқни очилганини маълум қилган эдик. Шу вақт мобайнида таҳририятимизга муштарийларимиздан ушбу мавзуга оид қўллаб телефон кўнгироқлари бўлди ва хатлар келди. Афсуски, хатларнинг аксариятида муаллифларнинг исми-шарифи ва имзоси бўлмагани боис газетамизда чоп этиш имкони бўлмади. Лекин шундай бўлса-да, улар ҳам қўйда берилган савол ва ҳуқуқшунос тавсиясидан ўзларига тегишли жавобни оладилар. Сабаби — саволларнинг асосий қисми мазмунан бир муаммага қаратилган.

Ҳурматли “Xabar” газетаси ходимлари! Биз газетангизни доимо ўқиб, ундаги қимматли маълумотлар билан танишиб борамиз. Ўз навбатида қўйдаги саволимга жавоб берасизлар деган умиддаман.

Биз барча оила аъзоларимиз билан 14-Ғалаба жамоа ширкат ҳўжалигида меҳнат қиламиз. Лекин иш ҳақларимизни нафақат ўз вақтида, балки умуман ололмаямиз. Сизлардан илтимос, бунинг учун қайси органга мурожаат қилишимиз кераклигини тушунтирсангизлар.

**Шерзод САЛОМОВ,
Қашқадарё вилояти,
Қасби тумани,
Хўжақарлик қишлоғи**

Ушбу саволга “**Adolat - kuchi**” адвокатлик фирмаси адвокат ёрдамчиси **Пўлат ҚОСИМОВ** жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасига асосан сизнинг иш ҳақингиз ҳар ярим ойда камида бир мартадан бўнак (аванс) шаклида, ой якунида

эса тўлиқ (агар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бошқача мuddатлар белгилаб қўйилмаган бўлса) ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

2002 йил, 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига ўзгартириш киритилиб, ушбу модданнинг иккинчи қисмида меҳнат ҳақини натура шаклида

тўлаш таққиланиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳолларда мустасно эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 13 мартдаги “Иш ҳақининг ўз вақтида тўлашига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарорига асосан қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига уларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан иш ҳақи тўлаши мумкин.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган мuddатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддасига асосан сиз мuddати чўзилиб кетган иш ҳақингизни пул ёки ўз розилингиз билан натура ҳолида раҳбарлардан талаб қилишга ҳақлисиз. Талабингиз қониқтирилмаган тақдирда ўзингиз истиқомат қилаётган туман прокуратурага ёки туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Айтинчи, сиз буларга эътибор берганмисиз? Чангпоти-гични сотиб олишдан олдин уни ўрганиб чиққанмисиз? Хабардор кишидан қайси русумдагисини сотиб олиш ҳақида маслаҳат сўраганмисиз? Балки энг замонавийларини ҳозирги оддий чангпоти-гичлар нархида сотиб

таъмирланадиган тизимни бугун арзонлашиб кетади. Шу ўринда айтиш керакки қаттиқ дисклар

Ёшлигимдан чангпоти-гичларга қизиқиб келганман. Мен ўсиб улғайдим, ўзгардим – чангпоти-гичлар ҳам ўзгарди. Мен билган фазовий номлардаги – “Буран”, “Вихрь”, “Ракета”ларнинг ўрнини “Боош”, “Сименс” ва “Самсунг”лар эгаллай борди. Ҳатто сўнгги йиллардаги энг оммавий ва замонавий чангпоти-гичлар ҳам қатор ўзгартиришлар киритилди: двигателининг қуввати оширилди, чангпоти-гичнинг тузилмаси яхшиланди, нархлари туширилди, ташқи кўриниши яхшиланди, шовқини пасайтирилди ва ҳоказо.



олиш учун яна бир йил кутиш керакдир.

Бундай бўлиши мумкин эмас. Хоҳлаган пайтда бозорга чиқиб, истаган

БИР ЙИЛДАН КЕЙИНГИ КОМПЬУТЕРЛАР

Келажак ҳақида ўйлар

чангпоти-гични сотиб оламиз. Чунки уларнинг барчаси қайси русумда бўлишидан қатъи назар асосий ишни – чанг ютишни бажара олади.

Компьютерлар ҳам сўнгги пайтларда чангпоти-гичга ўхшаб борапти. Уларнинг тузилиши ва қуввати йилдан-йилга мукамаллашмоқда. Уй бекаларининг кўпчилиги ўзларининг сеvimли чангпоти-гичида қанақа мотор борлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас, шу каби компьютер ҳақида ҳам аёллар (эркакларнинг маълум қисми ҳам) одатда унинг “Пентиум” эканлиги ва уни “Самсунг” ишлаб чиқарганини (Нима учун “Самсунг”? Чунки мониторда шундай ёзилган!..) билишади, холос.

Бироқ бир тоифа одамлар борки, улар ўзларини ҳам, сотувчиларни ҳам риторик саволлар билан тинч қўймайди: “Ge Forceми ёки Radeon?”, “Maxtorми ёки Seagate?”, “Pentiumми ёки Athlon?” ва шу каби. Компьютерлар ҳақидаги матбуот нашрлари тахририятларига ҳам бундай маърузага минглаб хатлар оқиб келаяверади.

“Янги компьютер сотиб олмақчиман. Айтинчи, компютерни ҳозир сотиб олганим маъқулни ёки бироз кутайинми? Дўконда менга айтишдики, икки ярим ойдан сўнг процессорлар уч бараварга арзонлашар экан, чунки Фарбда уларни қўрага жой қолмабди. Ўзларига арзон сотишдан қўриқиб бизга келтираётганмиш. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Компютеримга юклав учун зарур бўлган вазифаларини уч вақт ҳоғозда ёзиб кўрсатганман ва яна, илтимос, Pentium ва Athlonларнинг ютуқ ва устуликлари ҳақида маълумот беринг. Мен яна, бир-иккита асбоб билан Ge Forceнинг иккинчи авлодидан туртинчисини эваси мумкин деб эшитдим. Анчадан бери ҳамма шундай қилаётган экан. Ўргатинг – қандай қилиб???”

Менимча, энг тажрибали компютерчи ҳам бир йилдан сўнг компьютерлар қандай бўлишини ва артага арзон нархдаги ҳамда осон қайта

керак. Шундай бўлса-да, таниқли компаниялар менежерлари ва умуман “хабардор” кишилар билан суҳбатлашиб, қатор тахминларни ўртага ташлаш мумкин. Ажаб эмаски, уларнинг кўпчилиги амалга ошса. Бунинг учун бир неча соат давомда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фирмалар иш режасини ўрганиб чиқиш, сўнг эса ҳар хил тадқиқотларга вақт

ва мониторларда ҳам ўзгартиришлар бўлади. Улар нархининг ҳам пасайиши кутилмоқда. Клавиатураларда ҳам ўзгартиришлар рўй беради, яъни бир неча қўшимча тугмачалар пайдо бўлади. Бундан ташқари вақт ўтган сари симсиз клавиатуралар кўпайаверади. Уларнинг ҳам бирмунча қулай нархда бўлиши аниқ. Клавиатурадаги бу ўзгаришлар “сиқонча”га умуман таъсир кўрсатмайди. Ҳатто унинг функцияси янада такомиллашади.

Мутахассислар бирор янгилик яратганидан сўнг ўйлаб

қолишади: “Етар! Бундан ортиқ қилиш мумкин эмас”. Бироқ бир неча ой ўтганидан сўнг фирмалар ўзгариб яна янгилик қилишади. Бу табиатнинг оддий қонуни...

Бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, яхши компьютерлар ҳар доим бир ярим минг доллар ҳисобида қолаверади. Нима учун? Тўғри, компютер ўз қучини йўқотмаган ҳолда бир йилдан сўнг икки баравар арзонлашади. Бироқ янада

кетказмасдан бирор бир мақолани тайёрлаш мумкин эди. Бироқ бундай ёндошишдан (осон бўлишини ҳисобга олмас) ҳеч бир самара чиқмайди. Яъни унинг оддий тахминдан фарқи қолмабди.

Бир йилдан кейинги процессорлар қанақа бўлади?

Бугунги кунда ўрта ҳолдаги фирмалар кўпроқ Pentium4 (1,5 ГГц ва юқори) компьютерларига буюртма олишмоқда. “Арзон” фирмалар эса асосан Celeron (1дан 1,4 ГГцгача)дан фойдаланишади.

Кейинги йилларда “мэйн-стрим”да 3-3,5 гигагерцли (low-end – 2-2,5ГГц) моделларни кўришимиз мумкин. Мазкур процессорларнинг баҳоси қарийб ўзгаришсиз қолади. Сабаб VIA бирор мўъжиза яратиб, Intel ва AMDни орта қолдирган ҳолда нархларни ошириб юбориши мумкин эмас. Ёки қолганлари ҳам бундай қилолмайди. Бизнингча ҳозирги етакчиларнинг (масалан Pentium 4 2,53 ГГц) нархи бир йилдан сўнг ҳозирги Celeronнинг нархидан ҳам паст бўлади, бироқ хурсанд бўлишга ўрин йўқ – ўша пайтдаги етакчи процессорлар олдидан у “туя олдидан қуён”дек кўриниб қолади.

Ҳозирда видео ва овозга ҳам катта эътибор билан қаралимоқда. Аста-секин уларнинг мукамаллиги ҳам ошиб бораверади.

Нархларнинг ўзгаришига келсак, бу борада хавфсизрашга ҳоҳат йўқ. Бугунги кунда 256 Мбайт етарлича амалларни бажаришга қодир ҳисобланса-да, кўпчилик ўз процессори қуввати 512 Мбайт бўлишини маъқул кўрмоқда. Бундан кўриниб турибдики 512 Мбайт бир йилдан сўнг минимумга айланishi ҳеч гап эмас. Ундан ҳам ҳам қувватли компютерлар эса ўз-ўзидан

қулайроқ ва кучлироқ компютерлар пайдо бўлаверади. Шунинг учун янги-сининг арзон бўлишини кутиш ноўриндир. Хуллас, хоҳлаганингиз: замон билан тенга-тенг юраман десангиз энг сўнгги моделларни қиммат нархда сотиб олаверасиз ёки аксинча ўзингизга маъқул доимий ҳамроҳ компютерингиздан фойдаланаверасиз. Лекин бу компютерингиз узоғи билан уч йил сизга ёрдам бера олиши мумкин. Чунки борган сари ўзгалар (иш жойда ва бошқа) янгилиридан фойдалана бошлайди ва дастурлар дегандай... уларнинг ҳаммаси ўзгаради. Ушундан индамайгина янги компютерни сотиб олишингизга тўғри қолади.

Компютерлар оламидаги яна бир муҳим ҳижат бу ноутбукларга тегишлидир. Уларга қизиқиб ҳозирда кундан-кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, бу йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳам катта “жанг” кетмоқда. Бизни бу борада қандай ўзгаришлар кутмоқда?! Айтиш мумкинки, “ўйинлар” имкониятига эга ноутбуклар кўпи билан “1500 долларгача” баҳо категориясида бўлади ва анча оммавийлашади.

Хуллас, шунақа гаплар. Биз бу борадаги қарашларни аниқроқ ва қисқароқ баён этишга ҳаракат қилдик. Назаримиздан четда қолган бошқа маълумот ва қарашлар ҳам бўлиши табиий. Лекин бу билан барча мулоҳазалар яқун топди дегимки эмасмиш. Газетамизни ўқиб борсангиз компютер оламидаги янгиликлардан озми-кўпми воқиф бўласиз. Келгуси сонда бугун сўз юритилган мавзу юзасидаги мутахассислар фикри билан танишасиз.

Л. ТУСУНОВ тайёрлади




ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВАҚТИ ҚИСКАРАДИ

Кўпгина Британиялик мижозлар Интернетдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Туманли Албионнинг энг йирик интернет-провайдерларидан бири Tiscali компанияси тармоқдан ойига 150 соатдан ортиқ фойдаланмаслик тўғрисидаги талабга қаршилик билдирган мижозларни Интернетга боғла-нишдан маҳрум қилишини маълум қилди.

The Register журналида келтирилишича, Tiscalinинг бўлимларидан бири Ts&Cs компанияси ўтган ойдаёқ Any Time сервиси фойдаланувчиларига Интернетта қиришни ойига 150 соатдан оширмасликлари тўғрисида мурожаат қилган ва талаб бажарилма-гудек бўлса, “инжик мижоз”ларни Тармоқдан узиб таш-лаш мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган.

Баъзи бир мижозлар бизнинг хизматимизни суи-естеъмол қилмоқда. Уларнинг Интернетдан ҳаддан ортиқ фойдаланиши қолган мижоз-ларимизга сифатли хизмат кўрсатишимизга ҳалақат бер-моқда, – дейилади Any Time сервиси баёнотида.

Any Timeда эътироф этилишича, “инжик мижоз”ларнинг сони унчалик кўп



эмас, бироқ улар айби билан сервиснинг барча мижозлари азият чекмоқда. Огоҳлантириш айнан ўша сўнги уч ой давомида компания лимитини ошириб юбораётган “камсонли” фойдаланувчиларга жўнатилган. Провайдернинг огоҳланти-ришини олган истеъмол-чиларнинг қарийб ярми ушбу талабга амал қилган ва Интернетда ишлаш вақтини қисқартирган. Бироқ қолган ярми талабга бутунлай қарши чиққан.

Мазкур ҳафтада Any Time хизмати мижозлари навбатдаги эълонни қабул қилдилар. Унда провайдер Интернетдан фойда-ланиш тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган. “Узилиш исталган вақтда амалга оши-рилиши мумкин”, дейилади Any Time мурожаатида.

Ҳозирча Тармоқдан неча киши узилишини компания маълум қилмапти.

MICROSOFT “КўПГА ТУШДИ”

Ўтган ҳафтада Microsoft вакиллари AOL Time Warner Inc. компаниясига 16 ой аввал очилган суд ишини тўхтатиш мақсадида 750 млн. доллар тўлашни эълон қилди.

Рақобат бозорда моно-полга айланган Microsoft кўпгина компанияларнинг “бошига етмоқда”. Ана шун-дай жабрдийдалардан бири биз юқорида тилга олган компаниядир.

Антимонополия қонунла-рига биноан Microsoftга анча қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам компания жабрдийда билан “яхшили-ка” ҳисоб-китоб қилиш йўлини



маъқул топди. Компания 750 млн. доллар тўлаш билан бирга рақибига ўз фаоли-ятини юритиши учун 7 йиллик бепул лицензия олиб беради. Шунингдек, Microsoft раҳбар-лари компания билан ўзаро ҳамкорлик қилишга ваъда бермоқдалар.

ТВС ТўЛИК ўЧИРИЛАДИ

Бугун “Мостелеком” компа-нияси шаҳар кабел тармоқла-ридан фойдаланувчи ТВС телеканални намойишларини тўлиқ узиб қўяди.

– Телеэфирни тармоқдан узиш ишлари давом этмоқда, – маълум қилди “Мостелеком” директори Александр Махо-нов. – Шу вақтгача ТВСнинг шаҳар кабел тармоғи орқали эфирга чиқиши 220 мингдан ортиқ хонадонларда ўчи-рилди.

Шунингдек, Марказий, Жанубий, Шимолий, Фарбий ва бошқа округларда ҳам ТВС намойиши тўхтатилмоқда ҳамда узиб қўйилган абонентлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. “Мостеле-ком” раҳбарининг таъкидла-шича, ҳанузгача кабел телеви-денциесининг бирор бир раҳбари “унга вазиятни яхши-лаш учун мурожаат қилмаган”.

Internetdan olindi

Меҳнат таътилни мароқли ва мазмунли ўтказиш мен учун одат тусига айланган. Бу галги таътилни Тошкентнинг пуर्वқор тоғлар кўйнидаги сўлим сийтахтоҳида ўтказдим. Дам олиш кунларининг бирида исми-жисмига мос бўлган кўйликка Санам исми аёл билан танишдим. Санам опа қаринлик бўлиб, элик ёшга тўлибди ҳамки дам олиш нималигини билмас экан. Ниҳоят ўли йўллама олиб, кўярда-қўймай бу ерга жойлаштириб кетибди. Опа билан анча яқинлашиб қолдик. Иккимиз атрофимиздаги сой бўйига, ундан ўтиб тоғ томонга йўл олдик. Аммо негадир Санам опа кўпчиликка қўшилмас, кўпича ёлғиз ўзи сайр қиларди. Тушликдан сўнг сой бўйига чиқдим. Кўприк устида Санам опа ўйга чўмиб ўтирарди. Секин ёнларига бордим-да ҳазиллашмоқчи бўлдим:

— Ҳа, опа! Поччани соғиниб, тушингизни сувга айтмасизми?

— Қанийди ўша поччангиз бўлса...
— Кечирасиз, мен билмабман...
— Улган деб уйламанг. Тирик. Фақат биз билан яшамайди. Шундай бўлса-да, мен уни ҳамон яхши кўраман. Тўрт фарзандимиз отаси. Суратларини доимо ёнимда олиб юраман. Мана кўринг.

У шундай дея ёни чўнтагидан авайлабгина қоғозга ўралган суратни берди. Елкалари кенг, сочлари жингалак киши экан. Суратни опага қайтариб бердим.

— Тушунмадим опа! Улар сизни ташлаб кетганими? Шундай бўлса суратини нимага кўтариб юрибсиз?

— Нима қилай кўз очиб кўрганим шу бўлса. Ҳанузгача кутаман. Мен учун бўлмаса ҳам фарзандлари учун қайтар.

— Фарзандлари ташлаб кетган отани қабул қилармикин? Яхшиси, бир бошдан гапириб берин! Нима бўлган ўзи?

— Ичим куйиб кетяпти. Дардини ҳеч кимга айтолмайман. Бор аламинини меҳнатдан оламан. Қайнонам мени ёқтириб қўлиб, 16 ёшимда келин қилиб олганлар. Училлари мендан анча катта эди. Эр шу экан, рўзгор шундай бўларкан деб келинлик вазифани бажариб юрарибман. Қишин-ёзин иссиқхонамида меҳнат қиламиз. Уни газ билан иситиш қаяқда, доим тезак, ўтин ёқаман. Қиш кунлари совуқроқ бўлса кечаси билан усламай печкаларга ўтин қалаб чиқаман. Қишда помидор, бодринг, булғор қалампири

етиштириб сотамиз. Баҳор ва ёзда ҳар хил кўчатлар ва ошқўрлар тайёрлаймиз. Эрим оддий чилангар бўлиб ишларди. Мана шу иссиқхонадан қилган фойдамизга уй содик, машина сотиб олдик. Эримни машинага ўтқизиш балого қолдим. У ўзгара бошлади. Аввалига кеч келадиган, сўнгра бутунлай келмай қўздиган одат чиқарди. Сўрасам икки сменада ишляпман, ишинг бўлмасин дерди. Кўнглим нимадандир гаш эди. Бир куни


бўлмаса тўрт тарафинг қилба.

Эримнинг баймайлхотир гапирши мени лол қолдирди. Демак, бу иш пухта ўйлаб қилинган. Болаларим отасиз қоладими? Бўзимга нимадир тикилди. Йўглаб юбордим.

— Ҳиқиллайвермасдан манавини тезроқ тозала!

Эрим сўйилган товۇқни олдимга ташлади. Ҳозир гўёки товۇқни эмас, мени сўйгандек

КҮНГИЛ ИЛИНЖИ



уимизга 17 ёшлардаги рус қизини "Меҳмон бу" дея бошлаб келди. Ишонибман. Елиб-юриб дастурхон тузалдим. Боримни сочдим. Кечга томон улар кетишди. Икки кундан сўнг яна ўша «меҳмон» билан келди. Унинг исми Лена эди. Дастурхон ёздим. Эрим катаклаги товўқлардан бирини сўйгани чўкиб кетди. Шунда ўзим биланга рўсчани чала-чўла қилиб Ленадан ҳардан келганини сўрадим. У уялмасдан бор гапни айтиб берди. Россиядан узроқроқ қариндошини кўргани келган экан. Биринчи мартаба олиб келган куннўёқ эрим кечқурун бир ўртоғиникига олиб бориб уни мажбурлабди. Сенга уйланаман, "дом" олиб бераман деб эргаштириб юрган экан. Бу гаплардан тўтоқли ҳовлига чиқдим-да эримга бақирдим:

— Уятсиз, нима иш қилиб юрибсиз? Қайси юз билан келдингиз?

— Эшитган бўлсанг бўпти. Хоҳласанг шу,

Turmush chorrahalarida

мижжа қоқмасдан Наимани қаргаб йўглаб чиқдим. Эртаси куни эримни инсофга чақирмоқчи бўлдим.

— Даласи ҳеч бўлмаса болаларингиздан уялинг! Ахир улар ақлини таниб қолишди. Бир куни сиздан ор қилишмайдами?

— Жа, ақли бўлиб кетибсанми? Ундан кўра ойнани олда, ўзингга бир қара!

— Ундан кўра мени ўлдириб қўя қолинг, жонимдан тўйиб ўлдир!

— Ҳали шунақами? Мана бўлмаса сенга, мана!

У мени то ҳўшимдан кеттунимча урди. Бир маҳал кўзимни очсам болаларим атрофимда йўглаб ўтиришди. Қўшнимиз Басира опа келиб қолди.

— Вой ўлай, қайси қўлинг сингур урди-я! Вой ифлос, ҳомилалор аёлга ҳам қўл кўтарадими? Қани ўғлим, онангни суявор, уйга олиб қирамиз. Ҳозир дўхтир ҳам чақирамиз.

«Тез ёрдам» машинаси мени шифонага элтди. Болам етти ойлик бўлиб дунёга келди. Қорнимдалигидек йўғлагани учун унга Машраб дея исм қўйдим. Эрим бирор мартаба ҳам хабар олмади. Уйга онажоним олиб қайтди. Ўн беш кундан сўнг эрим кириб келди. Онам унга хўп насихат қилди. Шундан сўнг, хайрият тинчгина яшай бошладик. Бироқ бу кўп давом этмади. У ишхонасидаги бир рус аёли билан қочиб кетди. Изидан бориб уларни ушлаб ҳам олдим, афсуски қайтаролмадим. Бу орада эрим мени алдаб паспорт ва никоҳ гувоҳномамизни олиб, тезда ажралиш тўғрисидаги қоғозни ташлаб кетди. Судлапаларга бориб «Нимага бундай қилдинглар?», десам улар «Сиз уни заҳарлаб ўлдирмоқчи экансиз», дейди. Ноилож ортимга қайтдим. Эримни бунчалар бўхтон қилиб, пасткашликка боради деб уйламовдим. Мана, ўн йилдири кў қайтмади. Ўтган йили 50 йиллик юбилейимни, ўғлимнинг тўйини қилдим. Ҳаттоки биринчи фарзандининг тўйига ҳам келмади. Нимагадир мен ундан кўнгул узолмайман. Қачонлардир ўз уйига қайтишига жудаям ишонгим келади. От айлаиб қозингни топса ажаб эмас.

Хонбibi ҲИММАТ қизи

АЁЛЛАРГА СИНЧКОВЛИК БИЛАН ТИКИЛИШ ХАВФЛИ



● Хотинларимиз ва жазманларимиз учун ичайлик ва улар ҳеч қачон учрашмасинлар.

● Ўзига содиқ қолди! Яна хиёнат қилди.

● Аёлларни садоқатсизликда гумонсирашга уларнинг эмас, ўзимизнинг хиёнатларимиз мажбур қилади.

● Кўпгина аёллар уч олишнинг бошқа, ноёброқ усулини билганларда эди, эрларига хиёнат қилмасдилар.

● Агар хотинингизни олиб кетишган бўлса, уч олинг — хотинни рақибингизда қолдиринг.

● Эраккини хиёнатга мойил қилиш учун унга турмушга чиқиш кифой.

● Она шундай яхши нарсани, кўпгина эркаклар бир вақтинг ўзида иккита оила қурадилар.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

XANDALAR

Опа ўғлидан:

— Менда ўнга олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади? — деб сўради.

— Билмайман, — деди ўғли, — биз мактабда масалани аялсизда ечамиз.

Кичкина бола мусиқа мактабига келиб ўқитувчининг олдида скрипка филофини очган эди, ичидан тўппонча чиқди:


— Бу нима?! — сўради қўрқиб кетган ўқитувчи.

— Бу тўппонча-ку, — жавоб қайтарди болакай, — бироқ ярим кечда дадам нима учун банка менинг скрипкамини олиб кетдикин?

ЭНИГА: 5. Сайроқи қуш. 7. Спорт тури. 10. Гавданинг бош билан танани бириктирувчи қисми. 11. Жуфт тўғди ҳайвон. 12. Ер атрофидаги ҳаво қатлами. 15. Адабий жанр. 18. Кавказдаги тоғ. 19. Юнон математик олими. 20. Осиёдаги мамлакат пойтахти, порт шаҳар. 21. Фарғона водийсидаги дарё. 24. Таомга хушбўй ҳид берувчи ўсимлик. 26. Тинч ва Атлантика уммонларини бирлаштирадиган канал. 27. Африкадаги қуриқхона. 31. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат. 33. Мевали дарахт. 34. Қатқиннинг мойи ажратиб олингандан сўнг қолган қисми. 35. Ўзбек шоири, маърифатпарвар ва публицист. 36. Сайроқи қуш.

БҲЙИГА: 1. Арифметик амал. 2. Яккакураш тури. 3. Мушуксимонлар оиласига мансуб сўтэмизувчи ҳайвон. 4. Сўмнинг юздан бир бўлаги. 6. Дунёда кенг тарқалган уч диндан бири. 8. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 9. Одил Ёқубов романи. 13. Оғирлик ўлчови. 14. Жанубий Америкадаги давлат. 16. Узун

БОШҚОТИРМА



енгил автомобил. 17. Кимёвий элемент. 22. Мамлакатимиздаги вилоят маркази. 23. Саудия Арабистонидagi муқаддас шаҳар. 25. Эроннинг Жануби-ғарбидagi порт шаҳар. 28. Тропик мева. 29. Тергов ҳаракати. 30. Углеводларнинг сувда эримайдиган қаттиқ ёки суюқ аралашмаси. 32. Ўзбекистон халқ шоири, драматурги.

Тузувчи: Исмоил МУСО

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Иzzат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ХҲЖАЕВ,
Шўҳрат ЖАББОР,
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирўлғат МИРЗО,
Рўстам ҚОСИМОВ

Маъсилмигиз: 700000, Тошкент-35,
А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Nabar@sci.uz
Индекс: 64600
Жума кунлари чикади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0001 рақам билан рўйхатга олинган.
Бюролма №Г-514.
8970 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босматабоқ.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақуфаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТЕБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.
Маъсилмигиз: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТХУРБОНОВА
Сақуфаловчи: Ш.КИМсанБОВЕВ
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00